# ФАЛСАФА ВА ФАЙЛАСУФ ОЛИМЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг китоб музейида, кутубхонанинг қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланаётган қадимий китоблардан ташкил топган "Фалсафа ва файласуф олимлар" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда IV–XIX асрларда яшаб ижод этган Шарқ ва Ғарб ижодкорлари ҳамда уларнинг XVI–XIX асрларда қўлёзма, тошбосма ва илк матбаа усулида чоп этилган асарлари урин олган. Улар орасида ўзбек, рус, форс, француз тилларида Конфуцийнинг "Яхши хулқлари", Яссавийнинг "Девони ҳикмат", Алишер Навоийнинг "Қалблар муҳаббати", Абдураҳмон Жомийнинг "Олтин занжир", Бедилнинг "Суҳбатлар", Гётенинг "Фауст" номли фалсафий драмаси, Жон Локкнинг "Инсон ақли тўғрисида тажриба" ва бошқа қатор асарлар экспозициядан урин олган.